



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
«ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ**

UZBRIDGE ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ



Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Амир Темур - 13 уй



uzbridge@eyuf.uz



www.uzbridge.eyuf.uz

МУНДАРИЖА

№	Муаллиф	Мақола номи	Саҳифа
1.	Ахмедов Ж. Ж.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро ташаббуслари глобал ҳаётда ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятида қандай акс этмоқда	3
2.	Омонов М. С.	Хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришда халқ дипломатиясининг ўрни (Ўзбекистон мисолида)	8
3.	Абдуллаев З. А.	Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари	16
4.	Хатамов О. Қ. Абдуғаниев О. А.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини полином моделлари бўйича адаптив баҳолаш ва кўп вариантли прогнозлаш	25
5.	Бобобеков Ф. Р.	Ўзбекистонда факторинг амалиётининг ҳуқуқий асослари	33
6.	Зуннунова Х. М.	Тижорат банкларини бозор қийматида баҳолашда дастлабки таҳлилни амалга ошириш	44
7.	Отажанов У. А.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида интеллектуал математик моделлар асосида ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш усулларини такомиллаштириш	52
8.	Салохожаева Ф. А.	Факторы развития коммуникативной компетентности студентов посредством внеаудиторной деятельности	66
9.	Худойқулов Х. Х.	Ривожланган мамлакатларда капитал қийматини баҳолашда чегирмавий пул оқимлари усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	76
10.	Шермухамедова Ш. А.	ТЕЛЕМЕДИЦИНА – шифокор янада яқинроқ	87
11.	Гултўраев Ш.	Афсуски, Ўзбекистондаги аксарият банклар учун маҳсулотлар ва хизматлар ҳамон бирламчи масала	89
12.	Омонов Н.	Иқтисодиёт, кредитлар, токио мэрининг истеъфоси сабаби...	91
13.	Каримова М.	Нобель мукофотини қўлга киритмоқчиман	94

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**Бобобеков Фарход Рустамович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
таянч докторант
E-mail: farhod_time@mail.ru
Тел: +99899-081-23-49

Аннотация: Мақолада факторинг шартномаларининг тарихи ва бугунги ҳолати, факторинг шартномаларни имзолаш жараёнида томонларни турли хил ҳуқуқий нормаларга тўқнаш келиши ва уларни бартараф етиш учун халқаро ҳуқуқий нормалардан андоза олган ҳолда миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш. Қолаверса миллий қонунчилик базасида факторинг амалиёти учун яхлит норматив қонунчиликни ишлаб чиқиш бўйича мулоҳаза ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Факторинг, факторинг шартномаси, дебиторлик қарзлари, мол етказиб берувчи (сотувчи, мижоз), харидор (дебитор), хўжалик субъектлари, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, Фуқаролик Кодекси, тижорат банклари, Марказий Банк Низоми, Факторинг бўйича Халқаро Конвенция (УНИДРУА).

Аннотация: На сегодняшний день актуально нормативно правовые аспекты факторинговых договоров. В данной статье рассматриваются нормативные документы, которые прямо или однородно относятся к факторинговым договорам. Правовые нормы зарубежных стран и сравнение их с национальным законодательством. Плюсы и минусы принятия единого закона о факторинге в нашей Республике.

Ключевые слова: Факторинг, факторинговые договоры, дебиторская задолженность, поставщики товаров (продавец, клиент), покупатель (дебитор), хозяйствующие субъекты, нормативно правовые документы, Гражданский Кодекс, коммерческие банки, Положение Центрального Банка, Международная Конвенция по факторингу (УНИДРУА).

Annotation: Today, the regulatory and legal aspects of factoring agreements are relevant. This article discusses regulatory documents that directly or uniformly relate to factoring agreements. Legal norms of foreign countries and their comparison with national legislation. Pros and cons adoption of a single law on factoring in the Republic of Uzbekistan.

Key words: Factoring, factoring agreements, receivable debts, supplier of goods, buyer, small and medium-sized businesses, regulatory legal documents, Civil Code (CC), commercial banks, The position of the Central Bank on Factoring, International Convention on Factoring.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти глобализациялашуви жараёнида охириги ўн йилликда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши асосида ички ва халқаро факторинг операцияларини сони кўпаймоқда. Факторинг шартномалари узоқ тарихга эга бўлишига қарамадан унинг илмий жиҳатлари яхлит бир бошқарув тизимга олиб келинмаган. Мисол учун, кўпгина давлатларда факторинг амалиёти олиб боришда маълум бир норматив ҳуқуқий базалар яратилган бўлса, бошқа давлатларда факторинг шартномаларини амалга оширишда турдош норматив ҳуқуқий нормалардан фойдаланишади. Факторинг операцияларини амалга ошириш учун мукамал қонунчилик базасини яратилиши халқаро ва миллий иқтисодиётда мазкур нормаларини қўлланилиши хўжалик субъектлари, факторинг компания ё тижорат банкларига ҳар томонлама мақбул ҳисобланади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак факторингни ҳуқуқий асослари қонунчилик сифатида дастлаб Англияда сўнг АҚШда вужудга келган. Жумладан, ўрганишларимиз натижасига кўра илк Факторинг ҳақидаги қонун, (1353; 1823; 1825; 1842; 1877) йилларда Англия Парламенти томонидан қабул қилинган бўлиб уларда “факторинг” термини бошқа сўзлар билан тилга олинган. Англия Парламенти томонидан “мижоз ва фактор ўртасида ҳисоб-китоб қилишни тартибга солувчи” қонун сифатида 1889 йилда қабул қилган қонуни эса юқоридаги факторинг ҳақидаги қонунларни йиғиндиси ва энг мукаммали ҳисобланган. 1823 йилга келиб, АҚШда “Фактор ва гаров тўғрисида” ги қонун қабул қилинган. Бир қатор олимлар ўзларининг изланишларида мазкур қонун айнан Англия Парламенти томонидан қабул қилинган қонунлардан андоза сифатида олинганини таъкидлаб ўтишган. (Herbert R. Silverman ва бошқ., 1948)

Баъзи бир тадқиқотчи олимларнинг фикрича факторинг шартномалари Буюк Британияда 16-асрда кенг тарқалган. Бунинг асосий сабабларидан бири: транспорт воситаларининг бир манзилдан бошқа манзилга товар маҳсулотлари сотиш учун олиб бориш жараёнида кўп вақтни олганлиги сабаб бўлган, яъни бошқа жойда савдо агенти компания номидан иш юритиши, янги савдо шерикларни топиши, товар маҳсулотларни ортиш ва тушириш назорат қилиш ва шартномалар тузишни англатарди. (A. Liçenji, K. Katro., 2015)

Шундай қилиб шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан унификациялаш бу халқаро ва миллий қонунчилик асосини муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда охириги вақтларда анча ўзгаришлар кўзга ташланса ҳам, лекин кўпгина давлатларда жумладан бизни мамлакатимизда ҳам дебиторлик қарздорлигини молиялаштириш учун томонлар ўртасида имзоланадиган шартномаларнинг ҳуқуқий шартлари мукамал яратилмаган. Масалан, баъзи давлатларнинг миллий қонунчилигида дебиторлик қарзлари талабини битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиш ман қилинган ёки сунъий тўсиқлар қўйилган. Миллий қонунчиликдаги бу тўсиқлар савдо ва тижорат битимларини тузишда имкониятларни чеклайди кўп ҳолларда савдони ривожлантириш йўлидаги нотариф тўсиқлар сифатида қаралади.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Факторинг амалиётини ҳуқуқий нормаларини ўрганишимиз жараёнида бир қатор хориж ва маҳаллий олимларнинг факторингни бошқариш ва қонунчилик базасини яратиш бўйича олиб борган кенг қамровли ишларни ўргандик. Бу борада дуч келаётган муаммолар ва уларнинг ечими бўйича олиб борилаётган ишлар, қолаверса Ўзбекистон қонунчилигини хориж тажрибасидан келиб чиқиб уйғунлаштириш бўйича ўз фикр мулоҳазаларимизни билдирдик.

Факторинг бўйича мутахассис олим L. Klapper, (2005) нинг таъкидлашича ривожланмаган информацион муҳит тўловларни амалга ошириш учун мижоз ва харидор тўғрисидаги маълумотлар бўлмаслиги шу жумладан: давлат органлари, хусусий кредит бюролари ёки факторинг ўзи томонидан йиғилган маълумотларни камлиги факторинг ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Лекин энг катта муаммолар сирасига у факторинг компанияларининг мижозлари ўртасида ўзаро битимларни алмашинуви ва транзакцияларнинг конфеденциал ва хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун мукамал норматив-ҳуқуқий муҳит кераклигини таъкидлаб ўтган. Яъни тадқиқотчининг фикридан тушуниш мумкинки факторинг операциялари жараёнида технологик инфраструктурага эга электрон хавфсизликни таъминлайдиган олди-сотди шартномалар учун мукамал қонунчилик базаси керак.

Ҳиндистонда факторингни ҳуқуқий тарафдан келиб чиқадиган муаммоларига (K. Chavali ва бошқ., 2012) қўйидагича ёндашганлар: ...Ҳиндистонда факторинг амалиёти 1930 йил гача асосан текстил ва тўқимачилик саноатида қўлланилиб келинган кейинчалик эса бошқа тармоқларда ҳам амалга оширилган. Ҳиндистон Марказий Банки (аслида Ҳиндистон Захира Банки дейилади) 1988 йилнинг бошида Калаяна Сундарам бошчилигидаги комиссияга факторинг амалиётини Ҳиндистон шароитида қанчалик қўлланилиш тўғри ёки нотўғрилигини ўрганиб чиқиши ва ўз хулосасини беришни буюрди. Бир йил давом этган изланишлар натижасига кўра Комиссия ижобий хулоса берган, яъни факторингни Ҳиндистонда давлат банкларининг биттаси ёки бир нечтаси бирлашиб хизмат кўрсатиши мумкин. Лекин Ҳиндистон шароитида факторинг ўзини оқламади ва бунга бир қанча сабаблар мавжуд: бизнес вакилларининг бу амалиёт

ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги; факторинг операцияларининг барча жабҳаларни қамраб олмаганлиги; муайян норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамланмаганлиги; ҳуқуқий базани йўқлиги; қонунчилик ва бошқарув тизимидаги тўсиқларининг мавжудлиги; қарзни дисконтлаш пайтида герб йиғимининг қимматлилиги кичик ва ўрта бизнес вакиллари етарлича ҳуқуқий билимга эга бўлмаганлиги ва бошқ., Ҳиндистон Парламенти бу каби тўсиқларни олдини олиш ва факторинг амалиётини ривожлантириш мақсадида 2011 йилда "The Factoring and Assignment of Receivables Bill 2010" янги қонунни кучга киритди ва бу билан бир қанча муаммолар ечимини топишига муваффақ бўлди. Факторинг бозорини мувофиқлаштириш бизнес вакилларига енгиллик бериш мақсадида Молия вазирлиги томонидан "Герб йиғими тўғрисида" ги 1899 йилда қабул қилинган Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритди. Янги Қонунни кучга кириши нафақат давлат тасарруфидаги банкларга балки факторинг амалиёти билан шуғулланадиган компаниялар учун ҳам герб йиғимини бекор қилиш кўзда тутилган. Қонунчиликда шунингдек факторинг компанияларни чет элда фаолият юритиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Умумий ҳолатда герб йиғимининг бекор қилиниши ўртача ҳар бир битим учун олинадиган транзакцияни 1% га арзонлашига олиб келди (K. Chavali ва бошқ., 2012); Бу эса ўз навбатида факторинг индустрияси учун анча енгиллик бўлиб улар банклар билан рақобатлашиш учун кенг имконият яратди. Ушбу Қонунда факторингни назорат қилиш ва бошқариш Марказий Банка юклатилган. Янги Қонунда дебиторлик қарзини чегирма билан бошқа юридик шахсга ўтказиб бериш, юридик мақомга эга бўлиши кафолатланади.

Муаллифларнинг фикридан хулоса қиладиган бўлсак "Факторинг ва дебиторлик қарзларига имтиёз бериш" тўғрисидаги қонунни қабул қилгунча, факторингни ҳуқуқий томондан амалга оширишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлган. Мисол учун, факторингни амалга оширишда давлат банклари ва факторинг компанияларининг ҳуқуқлари тенг бўлмаган. Яна бир енгиллик бу Молия вазирлиги томонидан "Герб йиғимини" бекор қилиниши, факторинг шартномаларини имзолашда томонлар маблағларини тежашга олиб келганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

P. Nemesh ва бошқ., (2018) ўзларининг мақоласида факторингни амалга оширишнинг Украина тажрибасида ҳуқуқий томондан келиб чиқадиган муаммоларга қўйидагича баҳо берганлар. Жумладан: ...Дебиторлик қарздорлиги Украинада ўсишда давом этмоқда бу эса хўжалик субъектларини альтернатив молиявий ресурсларини излаш ва тўғри қарор қабул қилишга ундайди. Бу муаммони ҳал қилиш йўлидаги молиявий инструментлардан бири бу факторинг ҳисобланади, яъни унинг ёрдамида товар ёки хизмат етказилгандан дарров пул маблағини олиш имконияти мавжуд. Дебиторлик қарзларини факторинг орқали қайтариб олишда Украина тажрибасида бир қатор муаммолар мавжуд ва улардан бири бу факторингни ҳуқуқий нормаларини номуаносиблигидир. Юридик жиҳатдан факторинг операциялари Фуқаролик ва Тижорат Кодекслари орқали бошқарилади.

Факторинг операциялари молиявий хизмат тури бўлганлиги сабабли "Молиявий хизматлар бозорини давлат томонидан бошқариш" қонунда ҳам факторингни молиявий хизматлар турига киритилган. Шунингдек "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги қонунда факторинг амалиёти кредит операцияси деб кўрсатилган. Факторинг амалиётини бир вақтни ўзида ҳар хил операциялар турига киритиш бу норматив ҳуқуқий тарафдан нотўғри ҳисобланади. Украина Тижорат Кодексида факторинг амалиётини банк операцияси сирасига киритилган бўлса (339-модда), Украина Фуқаролик Кодексида бу амалиёт (молиялаштириш манбаи сифатида) банк ёки бошқа молиявий ташкилот факторинг амалиётини бошқариш ҳақ-ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади. (3-Боб. 1079-модда) (P. Nemesh ва бошқ., 2018);

Бизнинг фикримизча, факторинг амалиётини Украинада ривожланиши учун бир хил норматив ҳуқуқий база яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур норматив ҳуқуқий база орқали факторинг амалиётининг ҳам ҳуқуқий ва иқтисодий томонларини аниқлаш бу фақат факторингни ривожланиш учун хизмат қилар эди. Тадқиқотчиларни олиб борган изланишларидан тушуниш мумкинки Украина қонунчилигида факторинг операцияларини амалга оширишда тафовутлар мавжуд: Кодекс ва Қонунлардаги бундай чалкашликлар факторинг билан шуғулланадиган компания ёки тижорат банклари олдида тўсиқларни вужудга келтиради. Юқоридаги тушунмовчиликларни бартараф этиш учун тадқиқотчилар Украина қонунчилигида факторинг амалиётини

ривожланиши учун яхлит бир норматив ҳужжат кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Украина қонунчилигида келтирилган тафовутлар Ўзбекистон қонунчилигида ҳам мавжудлигини шу жойда айтиб ўтишимиз керак. Факторинг операциялари Ўзбекистонда асосан тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Қўшимча сифатида эса микрокредит ташкилотлари томонидан ҳам кўрсатилиши керак. Лекин норматив ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганишимиз давомида факторинг амалиётида айрим тафовутлар мавжудлигини аниқладик. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 750-моддасида “пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаларини банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия) си бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузиши мумкин” дейилган. (Кодекс 1995,1996) Яъни мазкур моддадан тушуниш мумкинки факторинг амалиётини банклардан ташқари лицензияга эга бошқа тижорат ташкилотлари ҳам амалга ошириши мумкин. Аммо Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомининг 1.3 параграфиди “факторинг хизмати-молиялашга доир банк хизматларининг бир тури” сифатида келтириб ўтилган. Яъни ушбу Низомга асосан факторинг хизматини фақат тижорат банкларигина кўрсатиши айтиб ўтилган. 1997 йилда қабул қилинган Низомнинг худди шу параграфиди “тижорат банки” деган жойи йўқ (яъни олдинги таҳрирдаги Низомда лицензияга эга бўлган тижорат ташкилотлари факторинг амалиёти билан шуғулланган). Бундан келиб чиқадики Ўзбекистон ҳудудида “факторинг амалиёти” билан фақат тижорат банклари шуғулланади. Лекин Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонуннинг 16-моддасида “ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади” дейилган. (Қонун 2012) Бизнинг мисолимизда факторинг амалиёти Марказий Банк томонидан чиқарилган Низом асосида эмас, балки юқори юридик кучга эга Фуқаролик Кодекси асосида, лицензияга эга бўлган барча тижорат ташкилотлари факторинг амалиёти билан шуғулланишлари мумкин.

L. Gotua, (2018) нинг фикрича Грузия қонунчилигида факторинг ҳақида алоҳида Қонун мавжуд эмас агар Грузия Марказий Банкнинг баъзи норматив ҳужжатларини ҳисобга олмаганда. Банк қонунчилигида эса факторинг регресс ёки регрессиз амалга оширилиши айтилган. Грузия факторинг компаниялари фаолият юритиши учун ҳеч қанақа лицензия талаб қилинмайди (агар улар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлсалар) ягона қонунчиликни мавжуд эмаслиги факторинг амалиётини назорат қилиш ҳам битта орган томонидан бошқарилмаслигини англатади. Грузияда ягона норматив ҳужжатларни мавжуд бўлмагани сабаб факторинг амалиётини олиб боришда халқаро нормаларга мурожаат қилинади. Масалан, Факторинг бўйича Халқаро Конвенция УНИДРУА ва халқаро шартномаларни бошқа шахсга ўтказиш бўйича БМТнинг Конвенцияси ЮНИСТРАЛ шулар жумласидандир. Тадқиқотчининг фикрича Грузияда факторинг ҳақида алоҳида қонун қабул қилиниши ва факторинг амалиётини Грузия Марказий Банки томонидан назорат қилиниши керак. Шунингдек қонунда факторинг компанияларининг ҳам тўлиқ ҳақ-ҳуқуқлари акс эттирилиши керак деб фикрини яқунлайди.

Т. Кариалиев ва бошқ., (2016), нинг билдиришича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган хизматлар ва хусусан тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлмаслиги лозим.

Муаллифлар факторингни ҳуқуқий жиҳатлари амалдаги қонунчилигимизга зид бўлмаслигини айтиб, факторинг шартномалари қайси ҳолатда амалга оширилиши ҳақида тўхталиб ўтганлар.

Л.А. Раҳматуллаев (2009), ўзининг илмий тадқиқот ишида факторинг амалиётининг ҳуқуқий томонига тўхталиб қўйидагича фикр билдирган: Ўзбекистонда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро факторинг ҳуқуқий муносабатларини ривожлантириш ва ташки-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилади. Тадқиқотчининг фикрича халқаро нормаларни Ўзбекистон

қонунчилигига мослаштириш ҳар томонлама факторинг амалиётини ташқи алоқаларда қўллаш механизмини кенгайтиради. Халқаро андозаларга мос равишда факторинг амалиётини олиб бориш, юртимиз хўжалик субъектларига хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишга ундайди. Раҳматуллаев ўз фикрини давом эттириб Ўзбекистон Республикасини Факторинг Конвенциясига аъзо бўлишини ўз илмий ишида таъкидлаган бўлса ҳам, лекин асосий урғуни Ўзбекистон кўпроқ МДХ давлатлари билан ўзаро яқин алоқада бўлиб мазкур давлатлардаги факторинг бўйича илғор норматив ҳужжатларини миллий қонунчилигимизга мослаштиришни тавсия берган.

Бизнинг фикримизча регионал миқёсда факторингни ҳуқуқий нормаларини мослаштириш керак, лекин Ўзбекистон бугун янгиланиш сари қадам қўймоқдаки, Факторинг Конвенцияси ва БМТ Конвенциясини ратификация қилиш, бу Республикамизда факторинг институтини ривожланишига катта ҳисса қўшган бўлар эди.

Факторинглар дебиторлик қарзларини олишда бир қарорга келиш учун мол етказиб берувчиларнинг кредит тўлови қобилиятига эмас балки харидорларнинг тўлов лаёқатига асосландилар. Кўпгина ривожланаётган давлатларда факторинг бўйича бир қатор қўшимча солиқ ва норматив ҳуқуқий муаммолар ҳам мавжуд. Мисол учун факторинг шартномаларини солиққа тортилиши бу операцияларни қимматлашишига олиб келади. Ўзбекистон мисолида факторинг амалиёти солиқ солишдан озод қилинган. (Солиқ Кодекси 2019) Масалан: баъзи мамлакатларда банклардан % тўлови солиқлардан озод қилиниши мумкин, худди шунга ўхшаш факторинг шартномалари бўйича тўланадиган % лар ҳам бундан мустасно эмас, ҚҚС эса бутун транзакциядан ундирилади, герб йиғими ҳам худди шундай ҳар бир факторланган дебиторлик қарзларидан ундирилади. Юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш ва факторинг яхши ривожланиши учун суд ҳуқуқ тизими ҳам бенуқсон ишлаши керак.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг факторинг бўйича норматив ҳуқуқий қонунчилигини солиштириб, мавжуд камчиликлар ва тафовутлар шунингдек адабиётларнинг қиёсий ва солиштирма таҳлили ҳам келтирилган. Тадқиқот методологияси сифатида норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий ва таққослама таҳлили шунингдек истиқболли прогнозлаш методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар


Факторинг амалиётини бажаришда шартномаларнинг ўрнини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Кўп ҳолларда айнан шартномалар имзоланаётган пайтда томонлар ўртасида тушунмовчиликлар юзага келади. Мисол учун, компания маҳсулотни экспорт қилганда импортёр давлат қонунчилигини тўлиқ билмайди ёки яхши ўрганмаган. Бу ҳолатда томонлар ўртасида факторинг шартномаларини қандай шартлар асосида имзолангани муҳим ҳисобланади. Шу ўринда шартнома ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шартномалар, тузиш ўзгартириш ва бекор қилиш масалаларида чуқур билим талаб қилади. Сабаби хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятини бошлаш, юритиш ва уни тўхтатиш жараёнида шартномалар тузишга ҳар доим эҳтиёж сезади.

Тадбиркорлик шартномаси-тарафлардан бири шартлашган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларни ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув ҳисобланади. (Х.Т. Азизов ва бошқ.,2016);

Юқоридаги тарифдан хулоса қиладиган бўлсак, шартномада икки томон: мол етказиб берувчи ва харидор иштирок этиб томонларни маълум бир мажбуриятлари мавжуд, яъни бир томондан товар (хизматлар) ни етказиб берувчи, иккинчи томондан эса уни қабул қилиб олувчи қатнашса, факторинг шартномасида мазкур иштирокчилардан ташқари учинчи томон ҳам қатнашади, бу фактор компания ёки тижорат банки бўлиши мумкин. Факторинг шартномаси-бу томонларнинг ўзаро келишган ҳолда тузган шартномаси ҳисобланади, бунда фактор, сотувчи ва қарздор (харидор) қатнашадилар.

Факторинг шартномаси имзоланган қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Сотувчи харидорга, товар маҳсулотини сотади ёки хизмат кўрсатади.
 2. Сотувчи харидорга тўлаш учун тўлов талабномасини бир нусхасини, иккинчи нусхасини эса факторга жўнатади, фактор талабномани олгандан сўнг тўлиқ дебиторлик тўлови билан боғлиқ бошқаришни ўз зиммасига олади.
 3. Бундан буён фактор кредитни бошқариш методини қўллайди, яъни: шартнома шартларини тўлиқ бажарилишига амин бўлгандан сўнг дисконтлаш орқали сотувчига умумий суммани 90% гача бўлган миқдорини унинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
 4. Фактор шартнома шартига кўра тўлов муддати келгандан сўнг тўлиқ суммани харидордан олади.
 5. Пул маблағлари харидордан келиб тушиши билан фактор аванс сифатида берган сумма ва комисион фоиз хизматларини айирган ҳолда, қолган суммани сотувчи ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- Қўйида факторинг шартномаси босқичларини схема кўринишда тақдим қиламиз (1. расм):



1-расм. Факторинг шартномаси босқичлари¹.

Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки (ЕТТБ) 2012 йилдан Савдо ҳамкорлиги программаси асосида факторингни ҳуқуқий муҳитини яхшилаш учун иш олиб бормоқда. (Survey., 2018) Ушбу программа асосида ЕТТБ факторинг учун қулай ҳуқуқий муҳитни яратиш устида 2018 йили ЕТТБга аъзо 37 та давлат ўртасида факторингни ҳуқуқий масалалари бўйича кенг қамровли тадқиқот олиб борган. Тадқиқотлар натижасига кўра Банкка аъзо давлатларда факторинг бўйича яхлит бир норматив ҳуқуқий ҳужжат тайёрлаган ёки яқунланиш арафасида турибди. Лекин факторинг амалиёти ҳар бир аъзо давлатда ҳар хил талқин қилинади. Бундай ҳолатни бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, асосийларидан бири ҳуқуқий нормаларнинг қўллашдаги мураккабликлар ҳисобланади. ЕТТБ нинг маълумотларига таянган ҳолда биз 27 давлатни таҳлил қилиш учун танладик.

Бу давлатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган ёки ўсиш кўрсаткичлари Ўзбекистон билан тенг ёки ҳамкор давлатлар ҳисобланади. Факторингни ҳуқуқий жиҳатдан қандай бошқарилиши жадвал асосида 27 та давлатдан 4 тасида факторингни маълум ҳуқуқий нормалар асосида назорат қилинмаслиги ва бундай ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслиги аниқланди. Масалан, Туркменистонда лицензияга эга банклар факторинг операцияларини ҳам бажариши мумкин, лекин факторингни бошқариш учун махсус бирон бир норматив ҳуқуқий қонунчилик мавжуд эмас.

¹ Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси.

Факторинг операцияларини назорат қилиниши²

№	Мамлакат	Факторинг амалиёти ҳуқуқий жиҳатдан бошқариладими?	Фаолият юритиш учун лицензия керакми?	Иш фаолиятини бошлаш учун етарлича капитал керакми?	Факторинг компаниялар назорат қилинадими?
1	Албания	+	+	+	+
2	Арманистон	+	+	-	+
3	Озарбайжон	+	+	+	+
4	Белоруссия	+	+	+	+
5	Босния ва Герцеговина	+	+	+	+
6	Болгария	+	-	+	+
7	Хорватия	+	+	+	+
8	Кипр	-	-	+	-
9	Миср	+	+	-	+
10	Эстония	+	-	+	+
11	Македония	+	+	+	+
12	Грузия	-	-	+	-
13	Греция	+	+	+	+
14	Венгрия	+	+	-	+
15	Қозоғистон	+	+	Маълумот йўқ	+
16	Қирғизистон	+	+	-	+
17	Польша	-	-	+	-
18	Руминия	+	+	-	+
19	Россия	+	+	-	+
20	Сербия	+	+	+	+
23	Тожикистон	+	+	+	+
24	Туркия	+	+	+	+
25	Туркманистон	-	-	-	-
26	Украина	+	-	+	+
27	Ўзбекистон	+	+	+	+
	+	23	20	20	23
	-	4	7	7	4

Иккинчи, факторинг амалиётини бажаришда маълум лицензиялар талаб қилиниши бўйича жадвалдаги 27 та давлатдан 7 та давлат (Грузия, Польша, Болгария, Эстония, Украина, Туркия, Кипр) да лицензиясиз факторинг амалиётини бажариш мумкин. Яъни мазкур давлатларда банк лицензияси ёки тегишли давлат органларидан рўйхатдан ўтишининг ўзи факторинг амалиётини олиб бориш учун етарли ҳисобланади. Қолган давлатларда эса факторинг учун махсус лицензия талаб қилинади (Ўзбекистон ҳам шу давлатлар қаторига киради).

Учинчи, факторинг амалиётини бошлаш учун дастлабки капитал кераклиги бўйича жадвалдаги 7 та давлат учун ҳеч қанақа дастлабки бадал тўлови керак эмас. Қолган 20 та давлатда факторинг фаолиятини бошлаш учун дастлабки капитал керак. Масалан, Сербияда факторингни бошлаш учун, 330 минг.еврони ташкил қилса. Руминияда бу кўпроқ суммани ташкил қилади. Факторинг билан шуғулланадиган компания Руминия Марказий Банкада акциядорлик жамияти сифатида рўйхатдан ўтиб

² "Survey (2018) Factoring survey in EBRD countries of operation 3rd edition European for Reconstruction and Development" маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

200 минг.евро тўлаши керак, агар у ипотека кредити ажратадиган бўлса қўшимча яна 3 млн.евро бадал пули қўйиши керак.

Тўртинчи, факторинг компаниялар давлат органлари томонидан текширилиши жадвалда келтирилган давлатлардан 23 тасида олиб бориши, қолган 4 та давлат (Кипр, Грузия, Польша, Туркманистон) да факторинг компаниялари ҳеч бир давлат органлари томонидан назорат қилинмаслигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги жадвални Ўзбекистон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, факторинг амалиётини бажаришни ҳуқуқий асослари Фуқаролик Кодекси ва Марказий Банк Низоми ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида бошқарилади. Бизга маълумки факторинг операциялари Ўзбекистон ҳудудида тижорат банклари томонидан олиб борилади ва уларнинг фаолият юртишини Марказий Банк назорат қилади ва уларга лицензия беради. Улар маълум бошланғич (100 минг. евро) капитални Марказий Банк ҳисобида сақлашлари керак.

2-жадвал

Факторинг шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари³

№	Мамлакат	Факторинг ҳақидаги махсус қонун ёки Фуқаролик Кодексидаги белгиланган муайян моддалар мавжудлиги	Факторинг турларини аниқ ифодалаш	Факторингни регресс сотиш бу тўғри сиёсатми?	Маълумотларни электрон алмашинуви
1	Албания	+	+	+	+
2	Арманистон	+	-	-	+
3	Озарбайжон	+	-	-	-
4	Белоруссия	+	+	+	+
5	Босния ва Герцеговина	+	+	+	+
6	Болгария	+	+	-	+
7	Хорватия	+	+	+	+
8	Кипр	-	-	Маълумот йўқ	+
9	Миср	+	+	+	-
10	Эстония	+	-	-	+
11	Македония	+	+	+	+
12	Грузия	+	-	-	+
13	Греция	+	+	+	+
14	Венгрия	+	-	+	+
15	Қозоғистон	+	-	+	+
16	Қирғизистон	+	+	+	+
17	Польша	-	-	+	+
18	Руминия	+	-	-	+
19	Россия	+	+	+	+
20	Сербия	+	+	+	+
23	Тожикистон	+	-	+	-
24	Туркия	-	-	+	-
25	Туркманистон	-	-	Маълумот йўқ	Маълумот йўқ
26	Украина	+	+	+	+
27	Ўзбекистон	+	-	-	-
	+	23	14	20	22
	-	4	13	7	5

³ "Survey (2018) Factoring survey in EBRD countries of operation 3rd edition European for Reconstruction and Development" маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвалда факторинг шартномаларини ўзига хос хусусиятларини, келтирилган давлатлар мисолида таҳлил қилдик. Жадвал асосида факторинг амалиёти учун алоҳида қонун борлиги ёки Фуқаролик Кодекси моддаларидан фойдаланиши бўйича 4 та давлат (Кипр, Польша, Туркия, Туркменистон) да йўқлиги аниқланди. Жадвални иккинчи устуни бўйича давлатларда факторингни қандай тури қўлланилиши бўйича таҳлил қилганимизда 13 та давлатда факторинг амалиётининг қайси тури олиб борилиши норматив ҳужжатларда аниқ кўрсатилмаганлиги аниқланди. Масалан, Ўзбекистонда Марказий Банк Низомининг 1.3 параграфида факторинг амалиёти тўлови регресс ҳуқуқисиз олиш, мумкинлиги айtilган, лекин нима сабабдан айнан регресс ҳуқуқисиз амалиёти? Айни дамда факторингни бошқа турлари нима сабабдан қўлланилмаслиги ҳеч бир норматив ҳужжатларда келтирилмаган.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Факторинг амалиётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган талаблардан бири бу маълумотларни электрон алмашинуви ҳисобланади. Бу ерда 27 та давлатдан 5 та давлатда бу амалиёт тўлиқ ёки қисман бажарилмаётганлигини кўрсатилган. Банк маълумотномасида Ўзбекистон ҳам мазкур давлатлар қаторидалигини кўришимиз мумкин. Маълумки Ўзбекистон ҳудудида факторинг амалиёти тижорат банклари томонидан аънавий шаклда олиб борилади, маълумотларни электрон алмашинуви бугунги кунда банкларимиз томонидан тўлиқ амалга оширилмайди. Бу борада муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаб ўтгандек... Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади... (Мурожаатнома 2020) Ўзбекистонда тижорат банклари айни дамда электрон платформада факторинг битимларини амалга оширмайди. Маълумотларни электрон алмашинуви ва кейинчалик факторинг амалиётини рақамли платформаларда бажарилиши тижорат банкларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро хориж тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак факторинг амалиёти рақамли платформаларда тез, хавфсиз ва сифатли бажарилиб келинмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги вақтда факторинг амалиёти хўжалик субъектлари учун альтернатив манба десак адашмаган бўламиз. Факторингни энг катта афзалиятларидан бири бу молиявий рақобатбардошликни, ликвидликни ва пул оқимини ошириш йўли билан корхонани ривожлантиришга ҳисса қўшади. Бу борада факторинг амалиётини ривожлантиришга ҳуқуқий муҳит ҳам етакчи рол ўйнайди. Зеро факторинг операцияларини бажаришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро уйғунлиги муҳим саналади. Урганишларимиз натижасида хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиқиб миллий қонунчилигимизда айрим муаммолар борлигини кенг таҳлил қилдик. Факторинг амалиётининг Республикамизда ривожланиши учун унинг ҳуқуқий томонларини кенгроқ ўрганишимиз, жаҳон тажрибаси ўрганган ҳолда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишимиз керак. Юқорида айtilган камчиликларни инobatга олиб факторингни норматив ҳуқуқий томонларини янада такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифларни бермоқчимиз:

Биринчидан, факторинг амалиёти мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлишига қарамасдан, мазкур институтининг ҳуқуқий бошқарилиш механизмлари яхлит бир қонунчиликда мужассам этилмасдан, балки умумий ҳуқуқий нормалар орқали бошқарилади, жумладан: факторинг билан ўхшаш "кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) ни бошқа шахсга ўтказиш" бунга мисол бўла олади. Фуқаролик Кодексининг 23 ва 42-моддаларида айнан "факторинг" терминини киритилишини таклиф берамиз. Зеро ушбу моддаларда "факторинг термини" нинг қўлланилиши ушбу амалиёт билан шуғулланадиган тижорат ташкилотлари ва томонлар (сотувчи ва харидор) нинг иш фаолиятида англашилмовчиликларни юзага келтирмасдан, балки жараённи тубдан яхшиланишига олиб келади.

Иккинчидан, факторинг амалиётини ҳуқуқий масалаларини ўрганишимиз жараёнида шунга амин бўлдики Ўзбекистон ҳозиргача факторинг бўйича Халқаро ва БМТ Конвенцияларини ратификация қилмаган. Бу ҳам бўлса юртимизда факторинг институтини ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бинобарин бизнинг таклифимиз шундан иборатки Ўзбекистон Республикаси Факторинг бўйича Халқаро Конвенция (УНИДРУА) ва Дебиторлик қарзларини Халқаро Савдода бошқа шахсга ўтказиб бериш бўйича ЮНИСТРАЛ БМТ Конвенциялари ратификация қилиниши керак.

Учинчи, ўрганишларимиз натижасига кўра факторинг бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни Фуқаролик Кодекси, Марказий Банкининг Низоми ўртасида айрим тафовутлар мавжуд. Бизнинг таклифимиз эса, Фуқаролик Кодексининг 750-моддасида “барча тижорат ташкилотлари пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаларини молия агенти сифатида” амалга оширади дейилганлигига қарамасдан, Марказий Банк Низомининг 1.3-параграфида фақат тижорат банклари факторинг амалиёти билан шуғулланади деган жойини “барча тижорат ташкилотлари”га ўзгартириш.

Тўртинчи, 2-жадвал таҳлили натижасига кўра факторинг амалиёти Марказий Банкининг Низомига кўра регресс ҳуқуқисиз амалга оширилиши айтилган бўлса ҳам бошқа тушунча берилмаган, яъни факторингни бошқа турларини амалга ошириш ҳақида маълумот йўқ, ҳолбуки хориж тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак уларда асосан регресс ҳуқуқи асосида дебиторлик қарзлари факторга ўтказилади. Бу нима дегани? Яъни регресс ҳуқуқи билан сотилган дебиторлик қарзида агар харидор тўлов қобилиятига эга бўлмаса сотувчи ҳам жавобгар бўлади. Бу дегани фактор тўловсизлик рискинни минималлаштиради. Бизнинг таклифимиз шундан иборатки, Марказий Банк Низомида факторингни амалда қўлланилиши бўйича кенгроқ маълумот берилсин ва регресс ҳуқуқи амалиёти ҳам киритилсин.

Бешинчи, 2-жадвал таҳлили натижасига кўра ҳужжатларни электрон алмашинуви Ўзбекистонда анча орқада бўлиб бу факторинг амалиётини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бизнинг таклифимиз агар тижорат банкларимиз тўлиқ электрон ҳужжат алмашинувига ўтса, факторинг амалиётни бажаришда томонлар ўртасидаги шартномалар ҳам электрон шаклга ўтади бу эса ҳар бир иштирокчининг ҳужжатларга кетадиган вақти ва харажатларини тежалишига олиб келарди.

Олтинчи, 2-жадвал натижасига кўра факторинг амалиётини қайси хизмат турига киритиш бўйича, норматив ҳужжатларни таҳлил қилганимизда 3-хил қараш борлигини аниқладик. Жумладан: Фуқаролик Кодексида “молиялаш” деб келтирилган бўлса, Марказий Банкининг Низомида “молиялашга доир банк хизматлари” ва Солиқ Кодексида “молиялаш хизматлари” дейилган. Бизнинг таклифимиз Халқаро Конвенциядан келиб чиққан ҳолда, факторинг амалиётини: молиялаш; бухгалтерия ҳисобини юритиш; инкассо қилиш ва суғурталаш каби хизматларни қўшган ҳолда факторингни комплекс хизматлар сирасига киритилсин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки юқорида кўрсатилган камчиликлар ва уларни ечими бўйича берилган таклиф ва мулоҳазаларимиз ижроси Ўзбекистонда факторинг амалиётининг ривожланиши йўлида муҳим қадамлардан бири бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кодекс (1995, 1996) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси I,II қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995й. 163-I-сон ва 29.08.1996й. 256-I-сон Қонунлари билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон Қарорига мувофиқ 01.03.1997 й. эътиборан амалга киритилган.

Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири).

Қонун (2012) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Тошкент ш., ЎРҚ-342-сон (янги таҳрири)

Фармойиш (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., Ф-5464-сон

Низом (2000) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан «Тасдиқланган» тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом.

Низом (1999) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. (амалда ўз кучини йўқотган)

Конвенция (1988) Факторинг бўйича Халқаро Конвенция УНИДРУА (UNIDROIT Convention on International Factoring) Канада, Оттава.

Конвенция (2001) Халқаро Савдода дебиторлик қарзларини воз кечиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг Конвенцияси. 56-сессия БМТ Бош штаби, Нью-Йорк шаҳри.

Мурожаатнома (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси "Халқ сўзи" № 19

A. Liçenji, K. Katro (2015) "Albanian legal framework on Factoring contract" Academicus - International Scientific Journal. pp.161-171, ISSN 2079-3715 eISSN 2309-1088

Survey (2018) Factoring survey in EBRD countries of operation 3rd edition European for Reconstruction and Development

Herbert R. Silverman (1948) "Factoring: Its Legal Aspects and Economic Justification" Journal: Law and Contemporary Problems. Vol. 13, No. 4, Secured Commercial Financing, pp. 593-608

K. Chavali., C. Kishan (2012) "Factoring - a financing relief of MSME in India" pp.41-48 Journal on Banking Financial Services and Insurance Research Volume 2, Issue 1 ISSN 2231-428

L. Gotua (2019) "Certain Aspects of Regulation of Factoring in Georgia" Ivane Javakhishvili Tbilisi State University Press, pp.17-44 ISSN 2233-3746

L. Klapper (2005) "The Role of Factoring for Financing Small and Medium Enterprises" World Bank Policy Research Working Paper 3593.

Spiros V. Bazinas (2002) "Multi-jurisdictional receivables financing: uncitral's impact on securitization and cross-border perfection" Duke journal of comparative & international law. Vol 12. pp.365-387

T. Milenkovic-Kerkovic, K. Dencic-Mihajlov (2012) "Factoring in the Changing Environment: Legal and Financial Aspects" Procedia - Social and Behavioral Sciences 44, pp.428 – 435

Л.А. Рахматуллаев (2009) "Преспективы правового регулирования международного факторинга в Узбекистане" диссертация на соискание ученой степени кандидата наук, Ташкент, 167 стр.

Т. Каралиев ва бошқ., (2016) "Банк иши" дарслик китоби Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 640б. ISBN 978-9943-11-352-7

Х.Т. Азизов ва бошқ., (2016) "Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи" дарслик Тошкент.: ТДЮУ нашриёти.-363 б.